

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ИМОМНАЗАРОВ АЛИШЕР ХАСАНОВИЧ

**КЎЗДАН КЕЧИРИШ ИНСТИТУТИНИ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ**

12.00.09–Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Имомназаров Алишер Хасанович

Кўздан кечириш институтини назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммолари3-34

Imomnazarov Alisher Khasanovich

Theoretical-legal and practical problems of the inspection institute36-63

Имомназаров Алишер Хасанович

Теоретико-правовые и практические проблемы института осмотра64-70

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....71-73

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ИМОМНАЗАРОВ АЛИШЕР ХАСАНОВИЧ

**КЎЗДАН КЕЧИРИШ ИНСТИТУТИНИ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ**

12.00.09–Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Yu299 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Астанов Истам Рустамович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Вахабжан Каримов
юридик фанлар доктори, профессор

Кулматов Шароф Асадович
юридик фанлар доктори, профессор

Рахмонова Сурайё Махмудовна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 17 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел./факс: (71) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (74-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел./ факс: (71) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил 04 декабрь куни тарқатилди.
(2025 йил 04 декабрдаги 38-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоси сўнги йилларда янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (Интерпол) ҳамда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган статистик маълумотларга кўра, 2017–2019 йиллар оралиғида бутун дунёдаги жиноятлар сони ҳар йили ўртача 2,2 фоизга камайиб борган бўлса, 2020 йилдан бошлаб жиноятлар сони 0,74 фоизга ўсиш орқали салбий натижа қайд этган¹. 2025 йилда кибержиноятлардан келтирилган зарар 10,5 трлн долларни, маълумотларнинг ўғирланишидан кўрилган зарар 2024 йилда 4,88 млн долларни ташкил этган, бу эса 2020 йилга нисбатан 20%га кўп.² Тадқиқотларда бундай салбий натижага сабаб сифатида кўпгина ҳолларда жиноятларни тергов қилиш самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги, тергов сифатининг ҳам пастлигини кўриш мумкин. Хусусан, дастлабки, кечиктириб бўлмайдиган ва энг асосий тергов ҳаракатларидан бири бўлган, далилларни топиш, тўплашнинг энг муҳим усули бўлган кўздан кечириш тергов ҳаракатларидаги хато ва камчиликлар ушбу ҳолатни юзага келишига асосий сабабларидан ҳисобланади.

Жаҳонда кўздан кечириш тергов ҳаракатида замонавий тактик усул, техник воситалардан ва айнан сунъий интеллект ёрдамида, дронлар, 3D суратга олиш, 3D сканерлардан фойдаланиш, кўздан кечиришнинг одатий ва янги усул, воситаларини амалиётга жорий этиш, кўздан кечиришда рақамли далиллардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, олинган рақамли далилларни сақлаш жараёнларини хавфсизлаштириш, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш алгоритмининг дастурий таъминотлар орқали шакллантириш, кўздан кечиришнинг янги турларини жорий қилиш, кўздан кечиришни истиқболини белгилаш учун янги назарий концепциялар ишлаб чиқишга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда кўздан кечириш институтини назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммоларини ўрганиш, кўздан кечириш институтини истиқболини белгиловчи муҳим янгиликларни, замонавий технологияларни жорий қилиш, сунъий интеллект ёрдамида кўздан кечириш имкониятларини кенгайтириш, кўздан кечириш алгоритмларини шакллантириш, далилларни топиш ва сақлаш усулларини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда 2024 йилнинг 12 ойи давомида содир этилган 5357 та ўта оғир жиноятларнинг 689 таси, 71670 та оғир жиноятларнинг 55514 таси, 18176 та унча оғир бўлмаган жиноятларнинг 2238 таси фош этилмаган.³ Бундан ташқари, 2025 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига олдинги йиллардан фош этилмасдан қолган қасддан одам ўлдириш жиноятлари 170 тани ташкил

¹ 2022 INTERPOL Global Crime Trend Summary Report. <https://www.interpol.int/en/content/download/18350/file/Global%20Crime%20Trend%20Summary%20Report%20EN.pdf>

² <https://www.kt-team.ru/blog/cybercrime-2025-cybersecurity-trends-risks>

³ Ички ишлар вазирлигининг “Электрон жиноят ҳуқуқий статистика” ахборот маркази маълумотлари.

қилган.¹ Ушбу жиноят ишларини таҳлил қилганда, уларнинг деярли барчаси “иссиқ изидан” фош қилиниши учун зудлик билан ҳодиса содир бўлган жой замонавий криминалистик техник воситалар ёрдамида лозим даражада кўздан кечирилмаганлиги, кўздан кечиришнинг тактик усуллари самарадорларини танлашда хатоликларга дуч келинганлиги, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш ва далилларни топиш, тўплаш жараёнларида процессуал талабларга тўлиқ амал қилинмаслиги, кечиктириб бўлмайдиган бошқа тергов, тезкор қидирув тадбирларининг ўз вақтида ўтказилмаганлиги, кўздан кечириш алгоритмига риоя қилинмаганлиги, сунъий интеллект имкониятларидан, дронлар, 3D суратга олиш воситаларидан, 3D сканерлардан фойдаланилмаслиги, кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг истиқболларини белгилаб берувчи концепциялар, стратегияларнинг мавжуд эмаслиги, кўздан кечириш жараёнларини амалга оширилишини белгиловчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида фош қилинмасдан қолганлигини кўрсатди. Бош прокуратуранинг ҳисоботларига кўра, назорат қилувчи прокурорлар томонидан 2024 йил ва 2025 йилнинг 8 ойида ваколатли идораларнинг жиноят иши кўзғатиш, жиноят иши кўзғатишни рад қилиш, терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги жами 50 900 та ноқонуний ва асоссиз процессуал қарорлари бекор қилинган.² Ушбу процессуал қарорлар таҳлил қилинганида, кўплаб ҳолатларда кўздан кечириш жараёнида кўпол процессуал ва тактик камчиликлар ҳамда техник воситаларни қўллашда хатоларга йўл қўйилганлиги, бу борада мавжуд қоидаларга риоя қилинмаганлиги қарорларни бекор қилиш учун асос бўлганлигини кўриш мумкин. Булар эса, кўздан кечириш тергов ҳаракати бўйича чуқур илмий тадқиқот ўтказиш зарурлигидан далолат беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон (2022), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6041-сон (2020) фармонлари, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3723-сон қарори (2018) ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини

¹ ИИВ “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими маълумотномаси.

² Бош прокуратуранинг 2025 йил 8 ойлик “П шакл” ҳисоботи маълумотномаси.

шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Жиноят процессида кўздан кечириш институтининг назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммолари бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий тадқиқот марказлари ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан University of Pennsylvania Carey Law School, Indiana University, University of California, University of San Francisco, New York University, Harvard Law School, East Tennessee State University (АҚШ), University of Exeter (Буюк Британия), Stockholms university (Швеция), Glasgow Caledonian University (Шотландия), Қозон юридик институти, Самара давлат университети, Саратов давлат ҳуқуқ академияси (Россия Федерацияси) томонидан олиб борилмоқда.

Хусусан, кўздан кечириш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш (University of Pennsylvania Carey Law School), рақамли маълумотларни кўздан кечириш ва далил сифатида эътироф этиш (Indiana University, University of California), мураккаб шароитларда кўздан кечиришни амалга ошириш (University of San Francisco), кўздан кечириш самарадорлигини янада ошириш орқали жиноят ишларини тергов қилиш муддатларини мақбуллаштириш ва одил судловни таъминлаш (New York University), ҳодиса жойини кўздан кечириш (East Tennessee State University),¹ жиноят жойини кўздан кечиришда техник воситалардан фойдаланиш ва экспертиза текшируви учун намуналар олиш (University of Exeter),² ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида оёқ изларини тўплаш ва текшириш тартиби (Glasgow Caledonian University),³ ҳодиса жойини кўздан кечириш тартиби (Stockholms universitet),⁴ кўздан кечиришнинг тактик усулларини такомиллаштириш (Қозон юридик институти), ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш (Самара давлат университети), замонавий шароитларда ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг жиноят процессуал ва криминалистик жиҳатлари (Саратов давлат ҳуқуқ академияси) каби масалалар ушбу тадқиқотларнинг асосий мавзулари ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг умумий назарий асослари ҳуқуқшунос олимларимиздан Ғ.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Д.М.Миразов, Ф.М.Муҳитдинов, Б.Б.Ҳидоятлов, У.А.Тухташева, Д.Б.Базарова, А.Ш.Баратов, С.М.Рахмонова, Н.М.Қўшаев, Ш.Ф.Файзиев, Б.Б.Муродов, Ф.З.Мирзаев, И.Р.Астанов, Б.Х.Ражабовлар томонидан амалга оширилган.

¹ Fish, Jacqueline T., Larry S. Miller, Michael C. Braswell, and Edward W. Jr Wallace. "Crime Scene Investigation." Digital Commons @ East Tennessee State University, 2015. <http://amzn.com/1455775401>.

² Wyatt, David Mark. "Accomplishing technical and investigative expertise in everyday crime scene investigation." Thesis, University of Exeter, 2014. <http://hdl.handle.net/10871/17904>.

³ Burrow, J. Gordon. "Crime scene investigation: bare footprint collection and analysis." Thesis, Glasgow Caledonian University, 2015. <http://ethos.bl.uk/OrderDetails.do?uin=uk.bl.ethos.701002>.

⁴ Bull, Sofia. "A Post-genomic Forensic Crime Drama: CSI: Crime Scene Investigation as Cultural Forum on Science." Doctoral thesis, Stockholms universitet, Institutionen för mediastudier, 2012. <http://urn.kb.se/resolve?urn=urn:nbn:se:su:diva-81474>.

Кўздан кечиришни монографик тадқиқот сифатида фақатгина унинг бир тури Р.К.Абдуллаев томонидан “Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти” мавзусида ўрганилган.

Шунингдек, МДХ давлатларидан К.А.Алтухов, Н.Ф.Арешина, Э.У.Бабаева, А.В.Бачиева, К.А.Бегалиев, Н.С.Бокариус, М.В.Бондарева, Р.А.Вагапов, А.Н.Васильева, А.С.Волков, В.А.Волынский, Е.В.Воротникова, Р.Б.Гандалоев, М.В.Головин, А.Г.Гульянц, А.В.Далинин, З.Б.Дачаев, А.И.Дворкин, С.Д.Долгинов, Н.А.Духно, Е.В.Егорова, М.И.Еникеев, А.Г.Жданов, М.В.Жижина, А.Н.Иванов, К.П.Индык, Е.П.Кадатенко, Ю.А.Ковтун, М.М.Колесникова, В.П.Колмаков, Д.В.Королева, К.А.Костенко, Л.Б.Краснова, С.К.Крепышева, В.В.Кузнецов, С.М.Курбатова, В.С.Мамонов, К.А.Муреев, А.В.Никитин, В.Н.Остапенко, И.Ф.Патраш, Е.В.Прокофьева ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ғарб мамлакатлари олимларидан эса А.Ј. Fisher Barry ҳодиса жойини кўздан кечириш усуллари, R. Hal Arenstein, J. Dexter Bartlett ҳодиса жойини кўздан кечириш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун тавсиялар, R. Janet, M. Daniel, R. Laurie, T. Jeremy жиноятларни тергов қилишда ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос жиҳатлари, T. Marilyn Miller ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатига кириш, E. Sean Goodison, C. Robert Davis, A. Brian Jacksonлар рақамли далиллар ва АҚШ жиноий адлия тизимида рақамли далилларни янада самаралироқ олиш ва улардан фойдаланиш учун технологик ва бошқа эҳтиёжларни аниқлаш, Uematsu Tadashi кўздан кечириш услуги каби йўналишларда монографик тадқиқотлар олиб боришган.

Ушбу диссертация иши эса юқоридаги тадқиқот ишларидан кўздан кечириш институтини назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича комплекс илмий тадқиқотлиги билан ва бошқа олимлар томонидан кўздан кечириш тергов ҳаракати комплекс ўрганилмаганлиги билан фарқланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Кўздан кечириш институтини назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммолари” мавзусидаги устувор йўналишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўздан кечириш институтини назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммоларини ўрганиш ва улардан келиб чиқиб ушбу институтни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўздан кечириш тушунчаси, вазифалари ва ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан таҳлил этиш;

кўздан кечириш институтининг ривожланиш тарихини ўрганиш;

тергов ҳаракатлари тизимида кўздан кечиришнинг ўрни ва бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро нисбатини таҳлил қилиш;

кўздан кечириш тергов ҳаракати объектлари ва турларини қиёсий ўрганиш;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

мурдани кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
нарс ва ҳужжатларни кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

рақамли маълумотларни кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

кўздан кечиришда замонавий технологиялар имкониятларини қўллаш муаммолари таҳлилини амалга ошириш;

кўздан кечириш иштирокчилари билан боғлиқ муаммоларини тадқиқ этиш;

кўздан кечириш жараёни ва натижаларини қайд этиш муаммолари таҳлилини амалга ошириш;

кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга оид халқаро стандартларни ўрганиш;

хорижий мамлакатлар қонунчилигида кўздан кечириш билан боғлиқ нормаларни қиёсий жиҳатдан тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўздан кечириш институтини ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти кўздан кечириш институтининг назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммоларига оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказиш самарадорлигини оширишга оид қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, илғор хорижий тажриба ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли тузилмавий, мантиқий, статистик маълумотлар таҳлили, ижтимоий сўров, илмий манбаларни тадқиқ этиш, қонун ҳужжатларини илмий шарҳлаш каби назарий, индукция, дедукция, кузатув каби амалий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар, ҳужжатлар билан бирга электрон маълумотлар ҳам баённомада кўрсатилиши кераклиги, электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олиш тартибини белгилаш лозимлиги асослантирилган;

далиллар тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатлар билан бир қаторда электрон маълумотларни қабул қилиш орқали ҳам тўпланиши, рақамли далиллар билан боғлиқ кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш чоғида кўрсатувларнинг ишончлилигини масофадан туриб текшириш учун ахборот тизимларидан фойдаланилиши мумкинлиги асослантирилган;

рақамли далилларни далил тури сифатида белгилаш, давлат сирлари бўлган нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни кўздан

кечириш тартибини белгилаш, кўздан кечириш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотлар номақбул далиллар деб топилиши, электрон маълумотларни кўздан кечириш объекти сифатида белгилаш, электрон маълумотларни кўздан кечириш тартибини белгилаш лозимлиги асослантирилган;

суд-тиббий экспертизаси амалиётига виртуал аутопсия тадқиқотини босқичма-босқич жорий этиш лозимлиги асослантирилган;

ҳодиса жойини кўздан кечирган терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан судга оид экспертизалар тайинлаш жараёнини рақамлаштириш ва уни “E-ekspertiza” электрон ахборот тизимига юбориш орқали экспертиза муассасалари билан ўзаро электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

кўздан кечиришга оид тергов амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштириш, терговчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш тартибини белгиловчи концепция ишлаб чиқиш ҳамда ҳодиса жойини кўздан кечириш тартибини белгиловчи Йўриқнома нормаларини моддий техник базасини янгилаш ва ахборот тизимларини қиритиш орқали такомиллаштириш лозимлиги асослантирилган;

ҳолислар иштирокида ўтказилиши шарт бўлган тергов ҳаракатларини аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартибини кенгайтириш, терговчиларнинг ҳодиса жойига боришини мониторинг қилиш, тергов ҳаракатларини расмийлаштириш жараёнини автоматлаштириш ҳамда уларнинг натижаларини электрон шаклда олиш, шунингдек тергов ҳаракатлари устидан онлайн назорат қилиш лозимлиги асослантирилган;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, далилларни тўплашни рақамлаштириш мақсадида кўп функцияли “E-tergov” дастурий таъминотини жорий этиш, махсус “планшет”лар орқали сунъий интеллектдан фойдаланиш кераклиги асослантирилган;

турар жой ва бошқа кўчмас мулк дахлсизлиги қонун билан кафолатланиши, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч ким бировнинг турар жойига ёки бошқа кўчмас мулкига унинг ихтиёрига қарши қилиши мумкин эмаслиги асослантириб берилган;

кўздан кечириш жараёнида фақатгина жиноят ишига алоқадор бўлиши мумкин бўлган буюмлар олиб қўйилиши, шунингдек кўздан кечириш вақтида жиноят ишига алоқадор бўлмаган, бироқ тақиқланган ёки бошқа жиноятга дахлдор ашёлар аниқланган тақдирда улар олиб қўйилиши мумкинлиги ва бу ҳақда баённомада қайд этилиши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда намоён бўлади:

кўздан кечириш тергов ҳаракатида ишлатиладиган махсус “планшет”ни амалиётга жорий қилиш орқали “E-tergov” дастурий таъминоти лойиҳаси тайёрланди;

кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш ва натижаларини расмийлаштиришга қаратилган “электрон жиноят иши” дастурий таъминоти лойиҳаси ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги Қўшма қарори билан тасдиқланган “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди;

“2025–2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида кўздан кечириш тергов ҳаракатини такомиллаштириш истиқболлари” номли Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди ва унда прокуратура органларида тергов органлари фаолиятининг ҳолати ҳамда кўздан кечириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари, таклиф ҳамда тавсиялар назарда тутилди;

кўздан кечириш далилларни тўплаш усулини ўтказишда йўл қўйилаётган камчиликлар рўйхати шакллантирилди;

кўздан кечириш тергов ҳаракати турлари бўйича уларни ўтказиш алгоритми яратилди;

кўздан кечиришда фойдаланиладиган замонавий технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш имкониятини берувчи техник воситалар ва уларнинг самарадорлиги асослантилди;

кўздан кечириш тергов ҳаракати, уни ўтказиш тартиби бўйича ягона тартибни жорий қилишга қаратилган суриштирувчилар ва терговчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун услубий қўлланма тайёрланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда мавзуга алоқадор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, илғор хориж тажрибаси, ижтимоий сўровлар, статистик маълумотлар, 1000 дан ортиқ жиноят ишлари ўрганилган. Тадқиқот доирасида шакллантирилган хулосалар апробациядан ўтган ҳамда етакчи илмий тадқиқот нашрларида (миллий ва хорижий) чоп этилган.

Тадқиқ этилаётган мавзу доирасида 300 дан ортиқ терговчи ва прокурорлар ҳамда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилган.

Тадқиқот иши юзасидан шакллантирилган натижалар ваколатли органлар томонидан ижобий баҳоланган ва тегишли далолатномалар билан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўздан кечиришнинг назарий-ҳуқуқий асосларига оид тушунчаларни такомиллаштиришга, ушбу институтнинг концептуал асослари тадқиқ қилинишига, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий тадқиқ қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишда шакллантирилган таклиф ва тавсиялар асосида кўздан кечириш амалиётини

такомиллаштиришда намоён бўлади. Хусусан, суриштирув, тергов органларининг фаолиятини тартибга солиш, ҳаракатлар кетма-кетлигини шакллантириш орқали амалиётда юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни бартараф этиш, кўздан кечириш иштирокчиларининг вазифа тақсмотини тўғри белгилаш, намуналарни олиш, сақлаш, утилизация қилиш тартибларини такомиллаштириш, замонавий технологиялар (сунъий интеллектдан фойдаланиш) каби тадқиқотлар олиб бориш учун фойдаланишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўздан кечиришни такомиллаштиришга оид тадқиқот натижалари қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар, хужжатлар билан бирга электрон маълумотлар ҳам баённомада кўрсатилиши кераклиги ҳақидаги таклифдан ЖПКнинг 141-моддаси иккинчи қисмига ўзгартириш киритишда, электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиш тартибини белгилашга оид таклифдан ЖПКнинг 204¹-моддаси учинчи қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 сентябрдаги 9/dn-191-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши кўздан кечиришда топилган электрон маълумотларни расмийлаштиришни такомиллаштириш ва мутахассиснинг уларни тўғри қабул қилиб олиш тартибини белгилашга хизмат қилади;

электрон маълумотларни қабул қилиш орқали ҳам далиллар тўпланиши мумкинлиги ҳақидаги таклифдан ЖПКнинг 87-моддаси биринчи қисмини ўзгартиришда, рақамли далиллар билан боғлиқ кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш чоғида ахборот тизимларидан фойдаланилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифдан ЖПКнинг 132-моддасини тўртинчи қисм билан тўлдиришда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 сентябрдаги 9/dn-191-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши рақамли технологиялар ёрдамида кўрсатувларнинг ишончлилигини масофадан текшириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади;

рақамли далилларни далил тури сифатида белгилаш, электрон маълумотларни кўздан кечиришдаги тартибини белгилаш, кўздан кечириш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотлар номақбул далиллар деб топилиши, электрон маълумотларни кўздан кечириш объекти сифатида белгилашга оид таклифлардан ЖПКнинг тегишлича 81-моддаси иккинчи қисми, 89-моддаси биринчи қисми, 95¹-моддаси тўртинчи қисми, 135-моддаси биринчи қисми ҳамда 140-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2024 йил 24 декабрдаги далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши рақамли далилларнинг процессуал мақомини мустаҳкамлаш ва улардан тергов жараёнида фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади;

суд-тиббий экспертизаси амалиётига виртуал аутопсия тадқиқотини жорий этишга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-270-сонли қарорининг 11-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг 2025 йил 24 сентябрдаги 01-03/1431-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши кўздан кечириш самарадорлигини оширишга ва ўлим сабабларини аниқлашнинг янгича усуллари жорий этишга хизмат қилади;

ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнини рақамлаштириш ва уни “E-ekspertiza” ахборот тизими орқали юбориш ҳамда электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-270-сонли қарори 2, 4-бандларининг “а”, “б” кичик бандларини ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурнинг 37-бандини тайёрлашда инobatга олинган (Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2025 йил 24 сентябрдаги 29/1-1341-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши кўздан кечириш натижасида олинган далилларни экспертиза текшируви учун юборилиши механизмларини янада соддалаштиришга ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этишга хизмат қилади;

кўздан кечиришга оид тергов амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштириш, терговчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, кўздан кечиришга оид моддий техник база ва ахборот тизимларини янгилашга оид таклифлардан “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг янги лойиҳасини ишлаб чиқишда, шунингдек “2025–2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида кўздан кечириш тергов ҳаракатини такомиллаштириш истиқболлари” номли Концепция лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2025 йил 27 октябрдаги 15/02-1-2025-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши кўздан кечиришга оид тергов амалиётини ва қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади;

холислар иштирокида ўтказилиши шарт бўлган тергов ҳаракатларини аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартибини кенгайтиришга, терговчиларнинг ҳодиса жойига боришини мониторинг қилиш, тергов ҳаракатларини расмийлаштириш жараёнини автоматлаштириш ҳамда уларнинг натижаларини электрон шаклда олиш, шунингдек тергов ҳаракатлари устидан онлайн назорат қилишга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тергов фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда тергов сифатини оширишга

қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони лойиҳасининг 5-банди “б” кичик банди ва 10-бандини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Бош прокуратуранинг 2025 йил 8 апрелдаги далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши кўздан кечиришда далилларни қайд этишнинг ишончлилигини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш орқали жиноятларни очиш даражасини яхшилашга хизмат қилади;

ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, далилларни тўплашни рақамлаштириш мақсадида кўп функцияли “Е-tergov” дастурий таъминотини жорий этиш, махсус “планшет”лар орқали сунъий интеллектдан фойдаланишга оид таклифидан “Е-tergov” дастурий таъминотини яратиш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги “Йўл харитаси”нинг 1, 3, 5 ва 6-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2025 йил 20 январдаги далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши тергов жараёнини рақамлаштириш орқали жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш имкониятларини кенгайтириш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда тергов ҳаракатларининг сифатини ошириш ва халқаро стандартлар даражасига кўтаришга ёрдам беради;

турар жой ва бошқа кўчмас мулк дахлсизлиги қонун билан кафолатланиши, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч ким бировнинг турар жойига ёки бошқа кўчмас мулкига унинг ихтиёрига қарши кириши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифдан янги таҳрирдаги ЖПК лойиҳасининг 12-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2024 йил 19 ноябрдаги далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда турар жой дахлсизлигига оид конституциявий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш имкониятларини оширишга хизмат қилган;

кўздан кечириш жараёнида фақатгина ишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган буюмлар ёки жиноят ишига алоқадор бўлмаган, бироқ тақиқланган ёки бошқа жиноятга дахлдор ашёлар олиб қўйилиши мумкинлиги ва бу ҳақда баённомада қайд этилиши лозимлиги тўғрисидаги таклифдан янги таҳрирдаги ЖПК лойиҳасининг 167-моддасининг олтинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2024 йил 19 ноябрдаги далолатномаси). Бу таклифнинг жорий этилиши кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда қонунийликни таъминлаш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та (3 та халқаро, 2 та республика) илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 16 та илмий мақола, шундан 14 та миллий ва 2 та халқаро журналларда, конференцияларда 5 та, шундан 2 та миллий, 3 та хорижий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши

кириш, 14 та параграфдан иборат тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Жиноят процессида кўздан кечиришнинг юридик табиати таҳлили”** деб номланган биринчи бобида жиноят процессида кўздан кечириш тушунчаси, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари, тергов ҳаракатлари тизимида кўздан кечиришнинг ўрни ва бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро нисбати, кўздан кечириш тергов ҳаракати объектлари ва турлари таҳлил қилинган.

Муаллиф миллий ва хорижий жиноят процессуал ҳуқуқи олимларининг (М.Чутбаев, Ш.Файзиев, Д.Миразов, А.Васильев, С.Курбатова, Т.Шкодина, Р.Белкин, В.Колмаков, А.Аленников, Н.Селиванов, В.Божьев, Б.Гаврилов) позицияларини ўрганиш асосида кўздан кечириш тушунчасининг қуйидаги таърифини ишлаб чиққан: кўздан кечириш — бу кўздан кечиришга ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари доирасида ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим эканлиги эҳтимоли мавжуд бўлган объектларнинг хусусиятлари ва таркибини бевосита ёки билвосита аниқлаш, кузатиш, баҳолаш ва қайд этишдан иборат бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади.

Диссертант кўздан кечиришнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатган: кўздан кечириш ҳар қандай шахс томонидан эмас, балки айнан давлат томонидан кўздан кечириш ваколоти берилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади; кўздан кечириш жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари доирасида ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим эканлиги эҳтимоли мавжуд бўлган объектларга нисбатангина ўтказилади; кўздан кечириш объектлари рўйхати ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни, электрон маълумотларни ўз ичига олади.

Диссертант кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари бўйича қуйидаги муаллифлик таърифларини ишлаб чиққан:

– дастлабки кўздан кечириш – кўздан кечириладиган объектни ваколатли мансабдор шахслар томонидан жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган қоидаларига риоя этган дастлабки тарзда унинг статик ҳолатини текшириш тушунилади;

– қўшимча кўздан кечириш – дастлабки кўздан кечиришда ўрганилаётган объект қисман ўрганилганда ва кўздан кечириш ноқулай шароитларида ўтказилганда, дастлабки кўздан кечиришдан кейин ишга жиноят жойидан янги объектлар топилганда, уни ўрганиш жараёнида бўшлиқлар қолганда, кўздан кечириш жойи бир неча бўлиб, улардан бир ёки бир нечаси кўздан кечирилмай қолганда, далиллар тўлиқ олинмаганда дастлабки кўздан кечиришни тўлдириш мақсадида ўтказиладиган кўздан кечиришнинг бир туридир;

– қайта кўздан кечириш – дастлабки кўздан кечириш жараёни, яъни унинг ўтказилиш тартиби ва усули, унинг процессуал талабларга риоя қилиб бажарилиши, далилларни олиш ва расмийлаштириш жараёнлари сифатсиз амалга оширилганда ёки жиноят иши бошқа терговчига ўтиб ҳодиса жойини қайта кўздан кечиришга эҳтиёж сезилганда ўтказиладиган кўздан кечириш туридир.

Тадқиқотчи ЖПК 136-моддасини қўшимча ва қайта кўздан кечириш ўтказиш асослари билан тўлдириш зарурлиги тўғрисида хулосага келган.

Тергов ҳаракатлари тизимида кўздан кечиришнинг ўрни ва бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро нисбатини таҳлил қилиб, диссертант тергов ҳаракатлари тушунчасига қуйидаги таърифни таклиф этган: “Тергов ҳаракатлари - бу ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан исбот қилишда фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш мақсадида тергов ва суд ҳаракатлари шаклида амалга ошириладиган далилларни тўплаш усуллариidir”.

Муаллиф кўздан кечиришнинг бошқа тергов ҳаракатларидан фарқли жиҳатларини аниқлаб, у ўзининг мақсади, ўтказиш тартиби эркинлиги, хусусан, терговга қадар текширув босқичида ҳам ўтказиш мумкинлиги, судга қадар иш юритиш давомида амалга оширилганда алоҳида қарорнинг қабул қилиниши ёки санкция олинishi талаб этилмаслиги, кўздан кечириш тартибининг қатъий қоидалар билан чегараланмаганлиги каби хусусиятлари билан ажралиб туришини асослаган.

Диссертацияда кўздан кечириш мақсади ҳақиқатни аниқлаш ва исбот қилиш учун зарур бўлган ёки зарур бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган маълумотлар ва ҳолатларни аниқлаш, идрок этиш ва қайд этишдан иборат эканлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, кўздан кечириш қуйидаги вазифалардан иборатлиги кўрсатилган: жиноят излари ва ашёвий далилларни топиш; ҳодиса содир бўлган вазиятни ўрганиш; жиноят ҳодисаси ҳақиқатда мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганиш; иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш.

Тадқиқотчи ЖПК қабул қилингандан бошлаб то 2016-2017 йилларгача, яъни 20 йилдан ортиқ давр давомида ушбу тергов ҳаракатига ўзгартиш ва

кўшимчалар киритилмаганлигини, ҳозирги кунга қадар ҳам ушбу ҳолат давом этаётганлигини таъкидлаб, жиноят-процессуал қонунчиликнинг кўздан кечиришга оид нормаларини замон талабларидан келиб чиқиб ривожлантириш лозимлигини изоҳлаган.

Ушбу масалада хорижий тажрибани ўрганиб, муаллиф рақамли маълумотларни кўздан кечиришнинг процессуал тартибини такомиллаштириш зарурлигини асослаган. Хусусан, рақамли маълумотлар матнли, график ахборотлар, фото-, аудио-, видеоёзувлар, ахборот тизимлари, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар, уларнинг метамаълумотлари электрон шаклларда учраши маълум қилинган.

Муаллиф кўздан кечириш тергов ҳаракатини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланишни ҳамда процессуал ҳаракатда иштирок этиш учун фуқароларни жалб қилишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, хусусан бу уларнинг ҳаётига хавф туғдирса, тергов ҳаракати баённомасида фуқароларни жалб қилиш мумкин эмаслиги сабаблари кўрсатилган ҳолда уларнинг натижаларини қайд этишни таклиф қилган.

Диссертацияда кўздан кечиришнинг ҳар бир алоҳида турини ўтказишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Хусусан, муаллиф томонидан дастлабки кўздан кечиришда кўздан кечириш объекти тўлиқ ўрганилмаган ёки унда бўшлиқлар мавжуд бўлганда, у кўшимча равишда кўздан кечирилиши, шунингдек айнан бир объектни қайта кўздан кечириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкинлиги асослаб берилган: объектни самарали кўздан кечириш учун дастлабки кўздан кечириш шароити қулай бўлмаганда; дастлабки кўздан кечиришдан сўнг янги маълумотлар олинганда; дастлабки кўздан кечириш сифатсиз амалга оширилганда.

Тадқиқотнинг кўздан кечиришнинг тарихига оид қисмида ушбу институт ҳақидаги дастлабки маълумотлар Ҳиндистоннинг “Ману қонунлари”да берилганлиги, Хитой тиббиёт манбаларидан ҳисобланган “Си-Юань-лу” асарида мурдани кўздан кечиришга дастлабки маълумотлар берилганлиги, исломда кўздан кечириш тергов ҳаракати қозиликлар томонидан амалга оширилганлиги, кўздан кечириш тергов ҳаракати институтининг биринчи тўла-тўқис тилга олиниши 1864 йилги жиноят иш юритуви Низомида ўз аксини топганлиги баён қилинган. Бундан ташқари, 1922, 1929, 1959 йилги ЖПКларда кўздан кечириш тергов ҳаракатларига алоҳида нормалар киритилганлиги изоҳланган. Шундан сўнг 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинганлиги билан ушбу тартиблар янада такомиллашганлиги ва кейинги ислохотлар баён қилинган.

Тадқиқотчи томонидан ушбу бобда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар жиноят процессида кўздан кечириш институтини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда процессуал тартибини замонавий талаблар асосида ривожлантиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Жиноят процессида айрим объектларни кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида

ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, мурдани кўздан кечириш, нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш ҳамда рақамли маълумотларни кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган.

Тадқиқот ишида ҳодиса жойи тушунчасига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ҳодиса жойи – бу ҳудуд, сув майдони, ер майдони, сув юзаси, сув ости муҳити, ер ости табиий тузилиши ёки сунъий иншоот, унинг ичидаги ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки унинг зарарли оқибатлари содир бўлган ёхуд тергов қилинаётган ҳодисага алоқадор бўлган излар мавжуд бўлган жой эканлиги асослаб берилган.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш деганда, иш бўйича ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини аниқлаш, қайд этиш ва ўрганиш, ҳодиса жойида жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотларни аниқлашга қаратилган кўздан кечириш тергов ҳаракатининг алоҳида тури эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. Ушбу тергов ҳаракатининг кечиктириб бўлмайдиган хусусияти алоҳида таъкидланиб, жиноят ҳақида хабар келиб тушганидан сўнг ҳодиса жойи тезда кўздан кечирилмаса, жиной ҳодиса содир этилган ҳолат ва вазиятнинг ўзгариб кетиши мумкинлиги асослантилган.

Терговга қадар текширув босқичида далилларни тўплаш ва қайд этиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида ЖПКнинг 329-моддасининг иккинчи қисмидаги “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш” жумласини “кўздан кечириш” жумласига алмаштириш таклиф этилган. Бу эса терговга қадар текширув босқичида кўздан кечиришнинг барча турларидан фойдаланиш имкониятини яратишга хизмат қилиши асослаб берилган.

Мазкур ўзгартириш мурданинг қисмларини кўздан кечиришда турлича тергов амалиётини олдини олишга хизмат қилиши, шунингдек, мурдани кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис шифокорнинг иштироки мажбурийлиги асослаб берилган.

Нарса ва ҳужжатлар, электрон маълумотларни кўздан кечириш самарадорлигини ошириш нафақат уларни кўздан кечириётган шахснинг жавобгарлиги ва малакасини, балки қонун чиқарувчи томонидан ишни тергов қилиш жараёнида унинг фаолияти самарадорлиги учун зарур бўлган аниқ қоидалар ва тавсияларни ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга жорий этиши назарда тутилиши таклиф этилган. Бунда нарса ва ҳужжатлар, электрон маълумотларни кўздан кечиришда уларнинг турига қараб, техник воситалардан фойдаланиш тартиби ва шартлари, мутахассисларни жалб этиш масалалари ҳам ёритиб берилган.

Диссертацияда рақамли далиллар бўйича турли хил фикрлар таҳлил этилиб, қонунчиликда рақамли далиллар тушунчасини қўллаш таклиф этилган. Чунки, электрон сўзи маълум бир қурилмага нисбатан қўлланиладиган тушунча ҳисобланиши таъкидланган. Бунда, рақамли далиллар бошқа далил турларидан алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги учун ҳам уларни далилларнинг алоҳида тури сифатида баҳолаш

мумкинлиги илмий асослаб берилган. Шу билан бирга, рақамли далилларни олиш ва қайд этишда мутахассисларнинг иштироки мажбурийлиги, улар махсус билим ва кўникмаларга эга бўлиши кераклиги асослаб берилган.

Рақамли далиллар тушунчасига нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган: “Рақамли далиллар - иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган рақамли маълумотлар, яъни матнли, график ахборотлар, фото-, аудио-, видеоёзувлар, ахборот тизимлари, веб-сайтлар ва тармоқлардаги қийматланган ахборотлар ҳисобланади”. Бунда рақамли далилларнинг қийматланиши уларнинг яхлитлиги ва ишончилигини таъминлашнинг асосий шarti эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Рақамли маълумотларнинг кўздан кечириш объекти сифатида рақамли қурилмаларни, уларнинг тизимларини, тармоқлар ва рақамли ахборот ташувчилар ҳамда улардаги ахборотлар (жиноят изларини) киритилиши мумкинлиги асослаб берилган ҳамда рақамли маълумотларни кўздан кечиришнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилган: 1) рақамли қурилмаларни кўздан кечириш; 2) рақамли ахборотларни кўздан кечириш. Мазкур турларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил этилиб, уларни амалга ошириш тартиби ва шартлари очиб берилган.

Диссертациянинг **“Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ айрим муаммолар таҳлили”** деб номланган учинчи бобида замонавий технологияларни қўллаш муаммолари, кўздан кечириш иштирокчилари билан боғлиқ муаммолар ҳамда кўздан кечириш жараёни ва натижаларини қайд этиш билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш дастлабки, энг муҳим тергов ҳаракати сифатида сўнгги криминалистик техникалар яратадиган интерактив ва замонавий шартларга мослашиши лозимлиги асослантирилган. Хусусан, бугунги кунда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш, ҳодиса содир бўлган жойни тасвирга олишнинг энг истикболли усулларида бири ҳисобланиши ҳамда ушбу усулнинг афзаллиги ҳодиса ҳудуди ҳақида тўпланадиган визуал маълумотларни сезиларли тарзда кўпайтириш, кўздан кечириш самарадорлигини ошириш ва эксперт бориши қийин ёки хавфли бўлган ҳудудларни тадқиқ этиш имкониятини тақдим этиши илмий асослантирилган.

Замонавий учувчисиз учиш қурилмалари жуда ишончли, аниқ ва хавфсиз эканлиги, улар юқори аниқликдаги рақамли камералар, сунъий йўлдош навигацияси ва ўрганилаётган маҳаллий ҳудуднинг координата маълумотлари билан жиҳозлангани ҳамда бу ҳолатларнинг барчаси ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолат ҳақида визуал маълумотларни юқори аниқлик ва самарадорликда олиш имконини бериши илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Ҳодиса содир бўлган жойни сферик панорама методикаси асосида ўрганилиши, кейинчалик қотиллик жиноятлари, уйда юз берган ёнғин ва у бўйича тайинланган суд-ёнғин экспертизасида тўлақонли қўлланилиб келинаётганлиги асослантирилган. Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда маълумотларни учта ўлчовли (3D) акс этириш ёрдамида

тасвирлаш ва қайд этиш технологияларини қўллаш натижасида вазиятни визуал тарзда ўрганиш, жиноят ишини тергов қилиш ва жиноятларни фойдаланишда самарадорликни оширишга эришилиши очиб берилган.

Дрон, 3D фото, 3D принтер, металл қидирув воситалари ва бошқа воситалардан фойдаланиш давр талаби ҳисобланиши асослангандир. Ўз навбатида ушбу воситалардан фойдаланиш жараёни ЖПК орқали тартибга солиш ҳам муҳим саналиши кўрсатилган. Шу сабабли, ЖПКга “Криминалистик техник воситалардан кўздан кечириш жараёнида фойдаланиш” деб номланган 140³-модда киритиш таклиф қилинган. Ушбу норма қуйидагича ифодаланиши таклиф этилган: “Терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи кўздан кечириш жараёнида дрон, 3D фотография, 3D принтер ва бошқа махсус криминалистик техник воситалардан фойдаланади. Кўздан кечириш жараёнида ишлатилган техник воситаларнинг шахс ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига олиб келмаслиги ва қонун доирасида қўлланилиши шарт”.

Қонунчиликда мутахассиснинг муайян доирада кенг бўлган мажбуриятлари белгиланган бўлса-да, қонун чиқарувчи мутахассиснинг айрим зарур мажбуриятларини қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги, хусусан, мутахассиснинг далилий аҳамиятга эга бўлган излар, ашёлар ва бошқа маълумотларни қасддан nobуд қилмаслик, шунингдек кўздан кечиришни амалга оширувчи шахсга қасддан ёлғон маслаҳат, маълумот ёки тушунтириш бермаслик каби мажбуриятлари белгиланмаганлиги танқидий таҳлил қилинган.

ЖПКнинг 70-моддаси иккинчи қисмини янги таҳрирда белгилаш таклиф этилган. Хусусан, мутахассиснинг мажбуриятлари қаторига “далилий аҳамиятга эга бўлган излар, ашёлар ва бошқа маълумотларни қасддан nobуд қилмаслиги; тергов ҳаракатларида иштирок этиш давомида қасддан ёлғон маслаҳат, маълумот ёки тушунтириш бермаслиги” каби мажбуриятлар қўшилиши лозимлиги асослангандир берилган.

Кўздан кечириш жараёни ва натижаларини қайд этишда учрайдиган муаммолар таҳлил қилиниб, баённомага у имзоланганидан кейин ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани қонунчиликка киритиш лозимлиги асослангандир. Шунга кўра, ЖПКнинг 90-моддасини “Тергов ҳаракати баённомаси тергов ҳаракати иштирокчиларининг имзоси билан тасдиқланганидан сўнг унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас” деган мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилган.

Кўздан кечириш баённомаси кириш, асосий қисм ва яқунловчи қисм каби учта қисмга бўлиниб, тергов амалиётида мазкур тартибга риоя қилмаслик баённоманинг тузилишида турли хато камчиликларни, шунингдек келгусида ундан фойдаланишда мураккабликларни келтириб чиқариши мумкинлиги илмий жиҳатдан асослангандир. Шунингдек, кўздан кечириш баённомасини тузишда юзага келадиган муаммолар турлича бўлиб, уларга йўл қўйилиши

келгусида мазкур баённомадан фойдаланишда камчиликларни ва тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкинлиги таҳлил қилинган.

Мазкур муаммолар сифатида баённоманинг қийин тилда ёзилиши, унда муҳим реквизит ва маълумотларнинг акс этирилмаслиги, жинойт излари баённомада тавсифланмаслиги ёки етарли даражада тавсифланмаслиги, кўздан кечирилган ҳудуд нотўғри тавсифланиши, маълумотлар билан кўздан кечиришдаги реал ҳаракатлар кетма-кетлиги мос келмаслиги, кўздан кечириш иштирокчиларининг ҳаракатлари тизимли равишда баён этилмаганлиги каби ҳолатлар қайд этилган.

Шунингдек, кўздан кечириш ҳаракатини видеоёзувга қайд этиш муҳим аҳамият касб этиши, шу сабабли рақамли видеоёзув воситалари ёрдамида қайд этилган маълумотларни бирламчи кўздан кечириш баённомасига илова тарзида тақдим этиш лозимлиги илмий асослантирилган. Бундай амалиёт кўздан кечириш баённомасининг мазмунини бойитиш ва уни янада тушунарли бўлишига хизмат қилиши қайд этилган.

Бундан ташқари, диссертант томонидан ЖПКнинг 140-моддасидаги нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечиришни алоҳида 3 та моддага ажратиш таклиф қилинади. Чунки, бу моддалардаги объектлар бир биридан шаклан ва мазмунан ҳам фарқ қилади. Бунда нарсаларни кўздан кечириш 140-модда, ҳужжатларни кўздан кечириш 140¹-модда, электрон маълумотларни кўздан кечириш тартиби 140²-моддада баён этилади.

Диссертациянинг **“Миллий қонунчиликда кўздан кечиришга оид нормаларни халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш масалалари”** деб номланган тўртинчи бобида кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга оид халқаро стандартлар, хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги нормалар таҳлили ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи томонидан Суд экспертиза институтларининг Европа тармоғига (ENFSI) аъзо институтлар ва бошқа идоралар томонидан ишлаб чиқилган энг яхши амалиёт қўлланмаси, ISO/IEC 17020 ва ILAC-G19 халқаро стандартлари чуқур таҳлил қилинган. Бу таҳлил натижасида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг халқаро мезонлари, жумладан, жараёни ташкил этиш, далилларни тўплаш ва қайд этиш, шунингдек, ходимларнинг малака талаблари каби муҳим жиҳатлар аниқланган.

Халқаро стандартларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг бешта асосий фаолият тури белгиланган: “А” фаолият – ҳодиса содир бўлган жойда дастлабки ҳаракатларни амалга ошириш; “Б” фаолият – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш стратегиясини ишлаб чиқиш; “С” фаолият – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; “Д” фаолият – кўздан кечириш давомида топилган нарсаларни шарҳлаш ва қўшимча кўздан кечиришни амалга ошириш; “Е” фаолият – топилмаларни расмийлаштириш. Ҳар бир фаолият тури учун аниқ стандартлар ва талаблар белгиланган.

Тадқиқотда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этувчи асосий субъектларнинг вазифалари ва ваколатлари батафсил ўрганилган. Жумладан, жиноят жойи менежери (Crime Scene Manager) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни назорат қилиш ва мутахассисларни жалб этиш учун масъул бўлса, жиноят жойини кўздан кечирувчи (Scene of Crime Examiner) дастлабки баҳолаш ва батафсил илмий текшириш учун материал тўплаш вазифасини бажаради. Биринчи жавобгар шахс эса ҳодиса содир бўлган жойда барча дастлабки чораларни амалга ошириш, жумладан, хавфларни бартараф этиш, биринчи ёрдам кўрсатиш ва жойни ҳимоя қилиш учун жавобгар эканлиги изоҳланган.

Тадқиқотчи томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қўлланиладиган техник воситалар ва жиҳозларнинг халқаро стандартлари ҳам ўрганилган. Бу жиҳозларга шахсий ҳимоя воситалари, фото ва видео ускуналар, ёритиш воситалари, ўлчов асбоблари, далилларни қадоқлаш ва сақлаш воситалари, махсус криминалистик техника ва бошқалар кирази. Бундай жиҳозлардан фойдаланиш стандартлари ва талаблари батафсил таҳлил қилинган.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили доирасида тадқиқотчи Россия Федерацияси, Қозоғистон, Япония, Германия, Хитой каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги кўздан кечириш институтини батафсил ўрганган. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ва илғор тажрибаси таҳлил қилинган.

Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигида кўздан кечириш ва тергов эксперименти бир бобда жойлашганлиги, жиноят ишини кўзғатишдан олдин ҳодиса содир бўлган жой, ҳужжатлар ва ашёларни кўздан кечириш мумкинлиги, турар жойни кўздан кечиришда суд санкцияси талаб этилиши каби хусусиятлар аниқланган.

Қозоғистон тажрибасини ўрганиш натижасида қўшимча ва қайта кўздан кечириш институти, рақамли далиллар билан ишлаш тартиби, кўздан кечириш жараёнида мутахассис иштироки каби илғор амалиётлар аниқланган. Қозоғистон ЖПКда кўздан кечиришнинг процессуал тартиби батафсилроқ баён қилинганлиги қайд этилган.

Япония ва Хитой тажрибасини ўрганиш натижасида кўздан кечиришни тунги вақтда ўтказиш тартиби, кўздан кечиришда прокурор назорати, далилларни расмийлаштириш тартиби каби ўзига хос жиҳатлар баён қилинган. Германия тажрибасида эса кўздан кечиришда ҳолислар иштироки талаб этилмаслиги, аммо видеоёзув орқали қайд этиш амалиёти кенг қўлланилиши лозимлиги ўрганилган.

Хорижий тажриба таҳлили асосида қуйидаги умумий тенденциялар аниқланган: биринчидан, аксарият давлатларда кўздан кечириш тергов ҳаракати гувоҳлантириш, эксгумация, тинтув каби тергов ҳаракатлари билан бирга тартибга солинган; иккинчидан, кўздан кечириш турлари миллий қонунчилигимизга нисбатан камроқ; учинчидан, турар жойни кўздан кечиришда суд назорати механизми кенг қўлланилган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида тадқиқотчи миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиққан.

Тадқиқотчи томонидан илгари сурилган таклифлар қонунчилик техникаси нуктаи назаридан асослантирилган бўлиб, уларнинг амалиётга жорий этилиши кўздан кечириш тергов ҳаракатининг самарадорлигини оширишга, далилларнинг мақбуллигини таъминлашга ва пировард натижада одил судловни амалга оширишга хизмат қилиши асослантирилган.

ХУЛОСА

Кўздан кечириш институтининг назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммоларига бағишланган мазкур диссертация тадқиқотида амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш, миллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги амалиётини ўрганиш орқали илмий-назарий, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Илмий тадқиқот ишларида кўздан кечириш тушунчасига нисбатан турли хил қарашлар илгари сурилганлиги сабабли, ушбу тушунчага нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

“Кўздан кечириш – бу ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят иши доирасида ҳақиқатни аниқлаш мақсадида иш учун муҳим эканлиги эҳтимоли мавжуд бўлган объектларнинг хусусиятлари ва таркибини бевосита ёки билвосита аниқлаш, кузатиш, баҳолаш ва қайд этишдан иборат бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади”.

2. Кўздан кечиришнинг қуйидагича ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш лозим бўлади: кўздан кечириш ҳар қандай шахс томонидан эмас, балки айнан давлат томонидан кўздан кечириш ўтказиш ваколати берилган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади; кўздан кечириш жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари доирасида ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим эканлиги эҳтимоли мавжуд бўлган (кўздан кечириш) объектларига нисбатан ўтказилади; кўздан кечириш кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати (ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда) ҳисобланди; кўздан кечириш ишни судга қадар юритишнинг исталган босқичида (терговга қадар текширув ва жиноят ишини тергов қилиш) амалга оширилиши мумкин. Хусусан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам, иш қўзғатилишидан кейин ҳам амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари сирасига киради; кўздан кечириш вақтида далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллардан фойдаланилади. Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати видеоёзув орқали қайд этилиши шарт; кўздан

кечириш объектлари рўйхати ҳодиса содир бўлган жойни, мурда ва унинг қисмларини, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни, электрон маълумотларни, транспорт воситаларини ўз ичига олиши билан бир қаторда, айнан шулар билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳар қандай нарса ёки ҳолатга нисбатан амалга оширилиши мумкин; кўздан кечиришни ўтказиш давомида кўздан кечириш объектларининг хусусиятлари ва таркиби аниқланади; кўздан кечириш ваколатли шахс ёки орган томонидан бевосита ёки билвосита аниқлаш, кузатиш, баҳолаш ва қайд этишдан иборат бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади.

3. Кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказиш қуйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб қилади: жиноят излари ва ашёвий далилларни топишни; ҳодиса содир бўлган вазиятни ўрганишни; жиноий ҳодисаси ҳақиқатда мавжуд ёки мавжуд эмаслигини; иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштиришни.

4. Юридик адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларида кўздан кечириш тергов ҳаракати турли мезонлар бўйича таснифланган бўлиб, амалга оширилган илмий-назарий таҳлиллар натижасида кўздан кечириш тергов ҳаракатини қуйидаги мезонлар бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1) *кўздан кечириш объекти бўйича*: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; мурда ва унинг қисмларини кўздан кечириш; ҳайвонлар кўздан кечириш; теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш; нарса ва ҳужжатлар, почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш; электрон (рақамли) маълумотларни кўздан кечириш; одам баданини кўздан кечириш; транспорт воситалари ва бошқа нарсаларни кўздан кечириш.

2) *кўздан кечиришни ўтказилиш вақти бўйича*: дастлабки кўздан кечириш; қайта кўздан кечириш ажратилади.

3) *кўздан кечиришнинг ҳажми бўйича*: асосий кўздан кечириш; қўшимча кўздан кечириш.

5. Илмий тадқиқот ишида кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари бўйича қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Унга кўра дастлабки кўздан кечиришга муаллифлик таърифи берилди:

“Дастлабки кўздан кечириш – кўздан кечириладиган объектни ваколатли мансабдор шахслар томонидан жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган қоидаларига риоя этган дастлабки тарзда унинг статик ҳолатини текшириш тушунилади”.

6. Қўшимча кўздан кечириш – дастлабки кўздан кечиришда ўрганилаётган объект қисман ўрганилганда ва кўздан кечириш ноқулай шароитларида ўтказилганда, дастлабки кўздан кечиришдан кейин ишга жиноят жойидан янги объектлар топилганда, уни ўрганиш жараёнида бўшлиқлар қолганда, кўздан кечириш жойи бир нечта бўлиб, улардан бир ёки бир нечтаси кўздан кечирилмай қолганда, далиллар тўлиқ олинмаганда дастлабки кўздан кечиришни тўлдириш мақсадида ўтказиладиган кўздан кечиришнинг бир туридир.

7. Қайта кўздан кечириш – дастлабки кўздан кечириш жараёни, яъни унинг ўтказилиш тартиби ва усули, унинг процессуал талабларга риоя қилиб бажарилиши, далилларни олиш ва расмийлаштириш жараёнлари сифатсиз амалга оширилганда ёки жиноят иши бошқа терговчига ўтиб ҳодиса жойини қайта кўздан кечиришга эҳтиёж сезилганда ўтказиладиган кўздан кечириш туридир.

8. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда олимлар ўртасида турли қарашлар мавжудлигидан келиб чиқиб, ҳодиса жойига нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи берилди:

“Ҳодиса содир бўлган жой – жиноят иши учун муҳим бўлган, жиноят содир бўлган ёки унинг оқибати юзага келган, жиноят қуроли ва далилий ашёлар, тергов қилинаётган ҳодисага алоқадор бўлган излар жойлашган ҳудуд, майдон, сув ҳавзаси, бино, иншоотдир”.

9. Ҳодиса содир бўлган жой ва ҳодиса содир бўлган макон тушунчаларининг бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, “ҳодиса содир бўлган макон” тушунчасига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

“Ҳодиса содир бўлган макон – рақамли ўзаро таъсирлар (коммуникация, маълумот алмашинуви ва бошқа ҳодисалар) содир бўладиган, компьютер тармоқлари ва рақамли қурилмалар орқали яратилган виртуал муҳит”.

10. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тушунчасига нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

“Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш деганда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи томонидан жиноят жойини тўғридан тўғри кузатиш, ўрганиш ва текшириш орқали у ердаги излар, ашёвий далиллар, жиноят ҳолати ва унинг сабаб ҳамда оқибатларини аниқлашга қаратилган тергов ҳаракатидир”.

11. Рақамли маълумотларни кўздан кечириш – бу рақамли қурилмалар (компьютер, смартфон, серверлар, булутли тизимлар)да сақланган маълумотлар, операциялар ва қолдирилган изларни тўғридан тўғри ёки техник воситалар орқали ўрганиш, аниқлаш, сақлаш, ва таҳлил қилишга қаратилган тергов ҳаракатидир.

12. Рақамли маълумотларни кўздан кечиришда объектларидан келиб чиқиб, рақамли маълумотларни кўздан кечиришнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) рақамли қурилмаларни кўздан кечириш (компьютер воситалари, мобил қурилмалар, серверлар, виртуал муҳит, сақлаш қурилмалари, тармоқ ва алоқа ускуналари, булут ва онлайн тизимлар, мобил, абонентнинг идентификацион модули (симкарта), касбга оид ёки махсус қурилмалар масалан, навигаторлар, ақлли қурилмалар, медиа қурилмалари, электрон почта, мессенджерлар, резерв нусхалар ва архивлар);

б) рақамли ахборотларни кўздан кечириш (юқорида номалари келтирилган воситаларда сақланувчи 0 ва 1 кўринишидаги кодларда ифодаланадиган маълумотлар).

II. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:

13. Қонунчиликда мутахассиснинг мажбуриятлари белгиланган бўлса-да, қонун чиқарувчи мутахассиснинг айрим мажбуриятларини қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги учун ЖПК 70-моддасининг иккинчи қисмига мутахассис мажбуриятлари сифатида қуйидагиларни киритиш таклиф қилинади “далилий аҳамиятга эга бўлган излар, ашёлар ва бошқа маълумотларни қасддан нобуд қилмаслиги; тергов ҳаракатларида иштирок этиш давомида қасддан ёлғон маслаҳат, маълумот ёки тушунтириш бермаслиги”.

14. ЖПКнинг “Холислар” деб номланган 73-моддасига амалиётдаги эҳтиёждан келиб чиқиб холисларнинг тоифаларини киритиш таклиф қилинади. Унга кўра, умумий тартибда ишга жалб қилинган холислар ва мутахассислар жалб қилиниши шарт бўлган, рақамли далиллар билан муомала қилаётганда махсус шу соҳада билимга эга бўлган холисларни жалб қилиш таклиф қилинмоқда. Шу мақсадда ЖПКнинг 73-моддасига қуйидаги мазмундаги янги иккинчи қисмни киритиш таклиф қилинмоқда:

“Терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан айрим ҳолатларда махсус билим ва кўникмага эга махсус мутахассис холислар жалб қилинади.

Улар қуйидаги ҳолатларда жалб қилишини мумкин: электрон далиллар кўздан кечирилганда; кибер макон кўздан кечирилганда; мураккаб техник воситалар кўздан кечирилганда; турли алгоритмларда ишловчи воситалар кўздан кечирилганда; иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларда”.

15. Амалиётда баённомага у имзоланганидан кейин ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш каби салбий ҳолатлар кузатилади. Бу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида ЖПКнинг 90-моддасини қуйидагича таҳрирдаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Тергов ҳаракати баённомаси тергов ҳаракати иштирокчиларининг имзоси билан тасдиқланганидан сўнг унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас”.

16. Кўздан кечириш тергов ҳаракати жиноятни фош қилиш, унинг иссиқ излари ва жиноятни содир этиш жараёнини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва тиклаб бўлмас жараён ҳисобланади. Шунга кўра, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни барча жиноят ишлари бўйича видеотасвирга олиш тартибини белгилаш лозим. Бунда, ЖПК 91-моддасининг тўртинчи қисми 1-кичик бандидаги “ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;” деган сўзларни “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;” деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этилади.

17. ЖПКнинг “Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари” деб номланган 136-моддасига кўзда кечириш жараёнини сифатли амалга ошириш мақсадида прокурорнинг санкциясини олган ҳолда ўтказиш тартибини киритиш таклиф қилинади. Чунки, кўздан кечириш фуқароларнинг, корхона,

муассаса, ташкилотларнинг нормал фаолият юритишини тўхтатишга сабаб бўладиган ёки бошқа ҳолатларда прокурордан санкция олиш йўли билан ушбу ҳаракатни тартибга солиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Ушбу моддани қуйидаги таҳрирдаги бешинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади:

“Кўздан кечириш натижасида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мулкӣ зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тартиботининг, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг бузилиши ва бошқа нохуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимол бўлса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчининг, терговчининг бундай кўздан кечириш ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурор санкция бериши лозим”.

18. Амалиётда айрим ҳолатларда (тоғ, жарлик ҳудудларида, табиӣ офатлар, ёнғин ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда ва бошқа вазиятларда) терговчи томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш имконияти чекланган бўлади. Бу ҳолатда терговчи томонидан замонавий техник воситалар (дрон, 3D камера ва бошқа воситалар) ёрдамида ҳодиса жойи видеотасвирга олиниб кейинчалик шу тасвирга асосланиб кўздан кечириш тергов ҳаракати амалга оширилади. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, ЖПКнинг “Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш” деб номланган 137-моддасини янги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади:

“Қуйидаги ҳолатларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ҳодиса содир бўлган жойни дастлаб замонавий технологиялар ёрдамида видеотасвирга олиб, кейинчалик шу асосда кўздан кечириш баённомасини расмийлаштиришга ҳақли, башарти:

одамлар ўлимига ва катта талафот етишига сабаб бўлган ҳалокатлар юз берган бўлса;

табиӣ офатлар, ёнғин ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлган бўлса;

оммавий касалликлар тарқалиши ва заҳарланишлар юз берган бўлса;

оммавий тартибсизлик ва террорчилик ҳаракатлари содир этилган бўлса;

тоғлик, жарлик ҳудудларида ёки тергов имконияти чекланган бошқа шароитларда кўздан кечириш зарурати бўлса;

ноқулай об-ҳаво туфайли жиноят излари йўқолиб кетиши хавфи бўлса”.

19. Кўздан кечиришни ўз вақтида ташкил этиш ва иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда фуқароларнинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечиришни алоҳида қарор ёки ажрим чиқармасдан ўтказиш таклиф этилади. Шунга қўра, ЖПК 139-моддасининг иккинчи қисмига қуйидаги қўшимчани киритиш таклиф этилади:

“Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда кўздан кечириш қарор қабул қилмасдан ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолларда кейинчалик шу ўтказилган кўздан кечириш ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки

терговчининг прокурорга юборган хабарномасида асослантирилиши лозим. Хабарнома нусхаси ишга қўшиб қўйилади”.

20. ЖПКнинг 140-моддасидаги нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечиришни алоҳида 3 та моддага ажратиш таклиф қилинади. Чунки, бу моддалардаги объектлар бир биридан шаклан ва мазмунан ҳам фарқ қилади. Шунда нарсаларни кўздан кечириш 140-модда, ҳужжатларни кўздан кечириш 140¹-модда, электрон маълумотларни кўздан кечириш тартиби 140² - моддада баён этилади.

Хусусан, ЖПКнинг 140-моддаси **“Нарсаларни кўздан кечириш”** деб номланиб, у қуйидаги кўриниш акс этади:

“Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд нарсаларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар.

Нарсаларни кўздан кечириш жараёнида уларнинг ташқи белгилари, шакли, ранги, ҳолати ва бошқа хусусиятлари аниқлаш, излар, зарарланиш аломатлари, моддий, биологик далиллар мавжудлигини белгилаш, нарсаларнинг жиноятга дахлдорлиги ёки бошқа далиллар билан боғлиқлигини баҳолаш амалга оширилади.

Кўздан кечирилаётган нарсалар жиноят ишига алоқадор бўлиши шарт.

Нарсаларни кўздан кечириш жараёни ва натижалари баённомада акс эттирилади”.

21. ЖПКда **“Ҳужжатларни кўздан кечириш”** деб номланган алоҳида 140¹-модда киритиш таклиф қилинади. Шунда ушбу модда қуйидаги кўриниш касб этади:

“Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд ҳужжатларни улар топилган жойда ёки суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар.

Ҳужжатларни кўздан кечириш унинг ҳақиқийлиги, тўлиқлиги, мазмуни, шакли, техник хусусиятлари, қалбакилиги, ўзгартириш аломатлари, уларда акс этган маълумотларни иш учун аҳамиятли эканлигини аниқлашга қаратилади.

Электрон ҳужжатлар кўздан кечирилишидан олдин электрон далилларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилинган ҳолда унинг нусхаси тайёрланиши ва олиб қўйилиши шарт”.

22. ЖПКга **“Электрон маълумотларни кўздан кечириш тартиби”** деб номланган алоҳида 140² – модда киритиш таклиф қилинади. Ушбу модда қуйидаги мазмун касб этади:

“Электрон маълумотларни кўздан кечириш электрон маълумот ташувчиларда, телекоммуникация тармоқларида, ахборот тизимларида ёки интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлашган маълумотларнинг мазмуни, ҳолати, шакли ва уларда акс этган маълумотларнинг аҳамиятини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Электрон маълумотларни кўздан кечириш техник воситалардан фойдаланилган ҳолда, агар бу ҳаракат маълумотларнинг ёки улар жойлашган муҳитнинг йўқолишига, ўзгаришига ёки шикастланишига олиб келмаса ўтказилади.

Электрон маълумотларни кўздан кечириш жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқлари таъминланиши шарт. Кўздан кечириш жараёнида шахсий ёки махфий маълумотлар мавжуд бўлса, уларни қонунчилик талабларига мувофиқ ҳимоя қилиш чоралари қўрилиши лозим.

Электрон маълумотлар кўздан кечирилишидан олдин электрон далилларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилинган ҳолда унинг скриншоти ва нусхаси тайёрланиши ҳамда текшириш ушбу нусхада амалга оширилиши лозим.

Электрон маълумотлар кўздан кечирилаётганда мутахассиснинг иштироки шарт.

Электрон маълумотларни кўздан кечириш натижалари бўйича кўздан кечириш баённомаси тузилади”.

23. Терговчининг жиноят ишини тергов қилишда қўлланиладиган замонавий криминалистик техник воситалар ва дастурий таъминотлардан фойдаланилишини ЖПКда алоҳида моддада акс этиши лозимлиги таклиф қилинди. Ушбу техник воситалар ва дастурий таъминотларга дрон, 3D фото, 3D принтер, сунъий интеллект ва бошқалардан фойдаланишни киритиш мумкин. Чунки, техник воситалар ва дастурий таъминотлардан фойдаланиш жараёни ЖПК орқали тартибга солиш муҳим саналади. ЖПКга “Кўздан кечириш жараёнида криминалистик техник воситалар ва дастурий таъминотлардан фойдаланиш” деб номланган 140³-модда киритиш таклиф қилинади. Ушбу норма қуйидагича ифодаланиши таклиф қилинади:

“140³-модда. Кўздан кечириш жараёнида криминалистик техник воситалардан фойдаланиш

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи кўздан кечириш жараёнида дрон, 3D фотосурат, 3D реконструкция, 3D принтер, спектраль, микроскопик воситалар ва кузатув, ёзиб олиш воситалари каби махсус криминалистик техник воситалар ҳамда сунъий интеллект дастурларидан фойдаланади.

Қўлланилаётган техник воситалар инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган ҳамда техник талабларга жавоб бериши талаб қилинади.

Техник воситаларнинг тури ва модели қўлланилишидан олдин қарорда акс эттирилган бўлиши, қўлланилгандан кейин эса у ҳақидаги маълумотлар кўздан кечириш баённомасига қўшиб қўйилиши керак.

Кўздан кечириш жараёнида ишлатилган техник воситаларнинг шахс ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига олиб келмаслиги, шахсий ёки махфий маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги ва қонун доирасида қўлланилиши шарт.

Сунъий интеллект имкониятларидан жиноятга алоқадор маълумотларни тез таҳлил қилиш, излар, далиллар ва одамлар ўртасидаги боғланишларни

аниқлаш, жиноят жойини реал вақтда рақамли қайта тиклаш, далилларни топиш ва тўплашда фойдаланилади”.

24. Кўздан кечиришнинг процессуал турлари қаторида бирламчи ва кейинги кўздан кечириш турлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни қўллаш тартибини ЖПКга киритиш таклиф қилинмоқда.

Булар дастлабки кўздан кечиришда йўл қўйилган хатолар, камчиликлар ва бўшлиқларни ўз вақтида бартараф этиш имкониятини беради. Мазкур кўздан кечириш турларини ЖПКга янги **“Қўшимча ва қайта кўздан кечириш”** деб номланган 141¹-модда шаклида киритиш таклиф қилинади:

“Қўшимча кўздан кечириш дастлабки кўздан кечиришда ўрганилаётган объект қисман ўрганилганда ва ноқулай шароитларида ўтказилганда, ўрганилмаган бўшлиқлар қолганда, жиноят жойидан янги объектлар топилганда, кўздан кечириш жойи бир неча бўлиб, улардан бир ёки бир нечтаси кўздан кечирилмай қолганда ўтказилади.

Қайта кўздан кечириш дастлабки кўздан кечириш унинг ўтказилиш тартиби ва усули, процессуал талабларга риоя қилиш тартиби жиддий бузилганда, далилларни олиш ва расмийлаштириш жараёнлари сифатсиз амалга оширилганда ёки жиноят иши бошқа терговчига ўтиб ҳодиса жойини яна кўздан кечиришга эҳтиёж сезилганда ўтказилади”.

25. Жиноят ишларини тергов қилишга ваколатли мансабдор шахсларда турли электрон ёки бошқа ахборотларни текширишга эҳтиёж сезилганлигини ҳамда ушбу маълумотлар ишни ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, ЖПКга “Рақамли далиллар” деб номланган 204²-моддани қуйидаги мазмундаги қисмлар билан тўлдириш таклиф этилади. Ушбу таклифнинг илгари сурилишидан мақсад ҳар бир рақамли далил “хеш қиймати” орқали идентификацияланади, яъни кодланади:

“Рақамли далилнинг чоп этилган нусхаси фақат унинг рақамли хеш қиймати мавжуд бўлгандагина юридик кучга эга бўлади”.

“Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномани такомиллаштиришга оид таклифлар:

26. Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди (илова қилинади).

27. Ҳодиса содир бўлган жойни ўз вақтида текшириш ҳамда ҳодиса жойидаги далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олиш мақсадида “Е-tergov” дастури тушунчасини Йўриқномага қуйидагича мазмунда киритиш таклиф этилди:

““Е-tergov” дастурий таъминоти – жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича ҳодиса содир бўлган жой ёки маконни

электрон шаклда кўздан кечириш имконини берадиган электрон дастурий таъминот”.

28. Ҳодиса содир бўлган жой ва ҳодиса содир бўлган макон тушунчаларининг бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, ҳодиса содир бўлган макон тушунчасига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди ҳамда Йўриқномада акс эттирилди.

29. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш асосларини аниқлаштириш мақсадида Йўриқномага жиноят ёки ҳодиса ҳақидаги хабарларни ваколатли органларга электрон тарзда келиб тушиши тартиби ва уни ҳал қилиш механизмига оид қоидалар киритилди.

30. Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чоратадбирлар бўйича текширув объектлари қаторига “электрон маълумотлар ёки маълумот ташувчи воситаларни”, “ҳодиса содир бўлган жой атрофидаги кузатув камераларини” ёки “агар ҳодисани тасвирга олган шахслар мавжуд бўлса, шу шахсларни” ҳам киритиш таклиф этилмоқда.

31. Жиноятга оид хабар электрон тарзда келиб тушганда электрон маълумотларга ўзгартириш киритиш, ушбу турдаги маълумотларнинг йўқотилиши ёки йўқ қилинишини олдини олиш мақсадида Йўриқноманинг олтинчи бандини қуйидаги мазмундаги қўшимча банд билан тўлдириш таклиф этилади:

“Электрон маълумотларни ташқи қурилмалар орқали ўзгартирилмаслигини таъминлаш мақсадида маълумот ташувчилар, компьютер, телефон ва бошқа қурилмаларни фарадей пакетлари ва бошқа воситалар орқали ҳимоя қилинишини таъминланиши лозим”.

32. Ҳодиса содир бўлган жойга етиб борган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг вазифаси сифатида Йўриқноманинг саккизинчи бандини қуйидаги мазмундаги қўшимча бандлар билан тўлдириш таклиф этилади:

“– компьютер ва бошқа маълумот ташувчиларга киришни олдини олиш, электр энергиясини ўчирилиши орқали электрон маълумотларнинг йўқолишини олдини олиш чораларини кўриш;

– ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ёки кўздан кечиришни охирига етказиш имкони бўлмаган ҳолларда бу ҳақда “E-tergov” таъминоти орқали ёки ёзма шаклдаги баённома тузиб, ҳодиса содир бўлган жойни қўшимча ёки қайта кўздан кечириш учун ички ишлар органлари ходимлари томонидан кўриқланишини ҳамда видеотасвирга ва 3D фотосуратга олинишини таъминлаш;

– ҳодиса содир бўлган жойда ҳодисага алоқаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган нарсалар, буюм, электрон воситалар ҳамда маълумот ташувчилар аниқланган ҳолда, уларни белгиланган тартибда сақлаш ва топшириш чораларини кўриши лозим”.

33. Электрон маълумотлар ва уларни ташувчи воситаларни кўздан кечиришни сифатли амалга оширишни таъминлаш мақсадида Йўриқноманинг

ўн тўққизинчи бандини қуйидаги мазмундаги қўшимча хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

“Электрон маълумотларни олиб қўйиш ёки кўздан кечириш бўйича Жиноят-процессуал кодексининг 95¹-моддаси талабига мувофиқ, мутахассис иштирокини таъминлаш лозим”.

34. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва изларни расмийлаштириш тартибини аниқлаштириш мақсадида Йўриқноманинг йигирма тўртинчи бандини қуйидаги мазмундаги қўшимча хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

“Электрон ташувчи қурилмалар махсус ҳимоя воситаларига (фарадей пакети ёки бошқа воситаларга) жойлаштирилади ва муҳрланади”.

III. Ўзбекистон Республикасида кўздан кечириш институтига оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

35. “Ўтказилган таҳлиллар асосида “2025–2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида кўздан кечириш тергов ҳаракатини такомиллаштириш истиқболлари” номли Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда унда қуйидагилар назарда тутилди: прокуратура органларида тергов органлари фаолиятининг ҳолати; кўздан кечириш тергов ҳаракатини ривожлантиришнинг мақсади ва асосий йўналишлари ва кўздан кечириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари; кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга оид терговчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; кўздан кечиришнинг турларини кенгайтириш орқали янгиларини жорий қилиш ва унинг самарадорлиги; кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга оид моддий техник базалар ва ахборот тизимларини такомиллаштириш масалалари; кўздан кечириш соҳасини ривожлантиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар.

36. “E - tergov” дастурий таъминоти бўйича:

Тадқиқот натижаларига кўра, амалиётдаги муаммолар ва замон талабларига жавоб бермайдиган иш услублари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда судга қадар иш юритишдаги бошланғич ва энг муҳим босқич ҳисобланган ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнини рақамлаштириш бўйича “E - tergov” дастурий таъминоти яратиш ва амалиётга жорий этиш таклиф қилинади.

Ушбу дастурий таъминотни яратиш орқали ҳодиса жойини кўздан кечиришда инсон омилини камайтиришга, мазкур йўналишдаги анъанавий иш жараёнларини қисқартириш, тезкорлик ва унумдорликни оширишга эришилади. Шунингдек, мазкур дастурий таъминотни амалиётда қўллаш ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатини рақамлаштириш, муддат, куч, восита ва ресурсларнинг тежалиши, замонавий технологиялардан фойдаланиш билим ва кўникмасига эга малакали терговчилар корпусини

шакллантириш, прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

37. “Электрон жиноят иши” дастурий таъминоти бўйича:

Республикамизда барча соҳаларни рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг давоми сифатида суриштирув ва тергов органларида “Электрон жиноят иши” дастурий таъминотини жорий этиш таклиф қилинади. Шу мақсадда суд-ҳуқуқ соҳасидаги тажрибали ходимлар, юридик соҳадаги олий таълим муассасалари илмий ходимлари ҳамда тегишли мутахассислар иштирокида Бош прокуратурада Ишчи гуруҳ тузиш ва бажариладиган ишларнинг “Йўл харитаси”ни тузиш мақсадга мувофиқ.

Бунда “Электрон жиноят иши” ахборот тизимида жиноят ишини иш юритувга олиш ва режалаштиришдан тортиб, жиноят ишини тамомлашга қадар бўлган барча (*кўздан кечириш, сўроқ қилиш, юзлаштириш, экспертиза, гувоҳлантириш, тафтиш ва бошқ.*) тергов ҳаракатлари бўйича расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатларнинг электрон шакли яратилади ҳамда дастурий таъминот босқичма-босқич амалиётга жорий этилади, суриштирув, тергов ва назоратга масъул ходимларнинг кўникмалари шакллантирилади.

38. Амалиётда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида ҳодиса жойига ишга алоқадор бўлмаган ҳуқуқ тартибот ходимларининг кириши кузатилади, бу эса муҳим изларнинг йўқотилишига, далилларнинг яроқсиз ҳолга келишига ва бегона изларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида далилларнинг сақланишини таъминлаш ва бегона излар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида, ҳодиса жойига кириш тартибини қатъийлаштириш билан бирга, замонавий рақамли технологиялардан фойдаланишни жорий этиш тавсия этилади. Хусусан, тергов-тезкор гуруҳи таркибига кирмайдиган, лекин жараённи кузатиши ёки назорат қилиши лозим бўлган раҳбар ёки бошқа масъул ходимлар учун ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнини махсус камералар (масалан, тезкор тергов аъзоларининг танасига ўрнатилган ёки мобил камералар) орқали реал вақт режимида (онлайн) ҳодиса жойидан ташқарида жойлашган махсус кузатув нуқтасига (масалан, штаб автомобилига) трансляция қилиш тизимини йўлга қўйиш.

Бу тавсияни амалиётга татбиқ этиш прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа тегишли идоралар томонидан тезкор тергов гуруҳларини замонавий мобил видео-трансляция ускуналари билан таъминлашни, улардан фойдаланиш бўйича аниқ идоравий йўриқномалар ишлаб чиқишни ҳамда ходимларнинг тегишли техник воситалардан фойдаланишга оид малакасини оширишни талаб этади.

39. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида унинг дастлабки ҳолатини тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама қайд этиш сифатини ошириш, кейинчалик иш материаллари билан ишлаш самарадорлигини юксалтириш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида анъанавий фото/видео суратга олиш билан бир қаторда, 360-градусли сферик

фото ва/ёки видео сураатга олиш технологияларидан фойдаланишни амалиётга жорий этиш тавсия этилади. Бунда махсус мўлжалланган камералар ёрдамида ҳодиса жойининг умумий кўриниши ва муҳим участкаларини қамраб олувчи сферик панорамали тасвирлар олиш ва уларни (масалан, алоҳида рақамли ташувчиларда) иш материалларига қўшиб қўйиш тартибини жорий этиш лозим.

360-градусли сураатга олиш технологияси ҳодиса жойи ҳақида анъанавий усулларга нисбатан анча тўлиқ ва яхлит визуал ахборот олиш имконини беради. Бундай тасвирлар объектларнинг ўзаро фазовий жойлашувини аниқ акс эттиради, терговчи, прокурор, судья ва бошқа иштирокчиларга исталган вақтда ҳодиса жойини виртуал тарзда қайта кўздан кечириш, вазиятни чуқурроқ тасаввур қилиш имкониятини яратади. Шунингдек, бу усул ҳодиса жойининг дастлабки ҳолатини узоқ йиллар давомида сақлаш ва зарур бўлганда қайта мурожаат қилиш учун ишончли восита ҳисобланади ҳамда экспертларга қўшимча визуал контекст тақдим этади.

Бу тавсияни амалга ошириш тергов-тезкор гуруҳларини зарур 360-градусли камералар ва уларнинг дастурий таъминоти билан таъминлашни; ходимларни ушбу технологиядан самарали фойдаланишга ўқитишни; олинган сферик тасвирларни сақлаш, қайта ишлаш, расмийлаштириш (баённомага илова қилиш) ва судда намойиш этишнинг (масалан, махсус проекторлар ёки виртуал реаллик кўзойнаклари орқали) аниқ процессуал ва техник тартибини ички идоравий ҳужжатларда белгилашни талаб этади.

40. Ҳодиса содир бўлган жойни сифатли ва тўлиқ кўздан кечиришни таъминлаш мақсадида тергов органларини 3D сканерлаш техник воситалари билан таъминлаш мақсадга мувофиқ.

41. Суриштирувчи ва терговчиларда содир этилган ҳар бир жиноятни “иссиқ изидан” ва тўлақонли фош этиш, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тўғри аниқлаш ва уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида: суриштирувчи ва терговчиларнинг мунтазам равишда йилда камида бир маротаба ўзининг республика даражасидаги ташкилотларида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш; ҳудудий прокуратураларда махсус “тергов полигонлари”ни ташкил этиш; “тергов полигонлари”да суриштирувчи ва терговчиларни тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси ва қоидалари бўйича мутахассислар иштирокида амалий машғулотлар ўтказиб бориш таклиф қилинади.

42. Сунъий интеллект асосидаги ижтимоий тармоқларни мониторинг қилиш тизимини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти таркибида қўшимча штатлар ажратган ҳолда Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий тармоқлар ва “даркнет” муҳитини мониторинг қилиш ҳамда шубҳали материалларни кўздан кечириш бўйича махсус бўлинма ташкил этиш лозим бўлади.

Бўлинманинг асосий вазифалари этиб Интернет тармоғида шубҳали ахборот оқимлари, экстремистик контент ва кибержиноятларга оид маълумотларни, шунингдек, ижтимоий муҳандислик ёрдамида ўзгартириш киритилиб, ишлов берилган ва сохталаштирилган рақамли фото-, аудио- ва видеоматериалларни (DeepFake) аниқлаш, кўздан кечириш, таҳлил қилиш ҳамда янги таҳдидлар бўйича тезкор ахборот беришни белгилаш талаб этилади.

43. Жиноят ишларини тергов қилишда кўздан кечириш тергов ҳаракатини узлуксиз видеоёзувда қайд этган ҳолда, ҳолис иштирокисиз ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда кўздан кечиришни амалга оширувчи терговчини “Body camera”, яъни терговчи кийимига ўрнатилган камералар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ саналади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 AT THE LAW ENFORCEMENT ACADEMY
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**LAW ENFORCEMENT ACADEMY OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

IMOMNAZAROV ALISHER KHASANOVICH

**THEORETICAL-LEGAL AND PRACTICAL PROBLEMS
OF THE INSPECTION INSTITUTE**

12.00.09—Criminal procedure. Criminalistics, operational-search law and forensic examination.

**DOCTORAL (DSc) DISSERTATION ABSTRACT
ON LEGAL SCIENCES**

Tashkent – 2025

The theme of the doctoral dissertation (DSc) dissertation was registered at the Higher Attestation Commission under the Ministry of Higher Education, Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan under number B2024.1.DSc/Yu299.

The dissertation was completed at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the website of the Scientific council (www.proacademy.uz) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:	Astanov Istam Rustamovich Doctor of Sciences in Law, Professor
Official opponents:	Vahabjan Karimov Doctor of Sciences in Law, Professor Kulmatov Sharof Asadovich Doctor of Sciences in Law, Professor Rakhmonova Surayya Makhmudovna Doctor of Sciences in Law, Professor
Leading organization:	Tashkent State University of Law

The defense of the dissertation will be held at 10:00 on 17 December of 2025 at meeting of the Scientific Council DSc. 31/31.12.2020.Yu.67.01 under the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan (Address: 100190, 9 Rikhsiliy Str., Yunusobod, Tashkent, Uzbekistan. Phone / fax: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

The dissertation is available at the Information resource centre of the Law Enforcement Academy (registered No. 74). (100190, 9 Rikhsiliy Str., Yunusobod, Tashkent, Uzbekistan, e-mail: info@proacademy.uz).

The abstract of the dissertation is distributed on 04 December of 2025.
(Registry Protocol No. 38 on 17 December 2025.

M.A. Aminjanova
Chairman of the Scientific Council for
awarding scientific degrees, Doctor of
Sciences in Law, Professor

SH.I. Shayzakov
Scientific secretary of the Scientific Council
on awarding scientific degrees, Doctor of
Philosophy in Law (PhD), Docent

V.Karimov
Chairman of the Scientific seminar under the
Scientific Council awarding scientific
academic degrees, Doctor of Sciences in
Law, Professor

INTRODUCTION (annotation of the Doctor of Science (DSc) dissertation)

Relevance and necessity of the topic of dissertation. Relevance and Necessity of the Dissertation Topic. The problem of preventing crime in the world has become increasingly relevant in recent years. According to statistical data published by the International Criminal Police Organization (Interpol) and the World Bank, the number of crimes worldwide decreased by an average of 2.2% annually between 2017 and 2019, but starting from 2020, the number of crimes increased by 0.74%, resulting in a negative outcome¹.

In 2025, the damage from cybercrimes amounted to 10.5 trillion dollars, and the damage from data theft in 2024 was 4.88 million dollars, which is 20% more than in 2020². Studies show that in many cases, this negative result is due to insufficient effectiveness in investigating crimes and low quality of investigations. In particular, errors and shortcomings in the inspection as one of the initial, urgent, and most important investigative actions, which is the most crucial method for finding and collecting evidence, are among the main reasons for this situation.

Globally, research is being conducted on the use of modern tactical methods and technical means in inspection investigative actions, specifically with the help of artificial intelligence, drones, 3D photography, 3D scanners; introduction of traditional and new methods and tools for inspection into practice; expansion of opportunities for using digital evidence in inspection; securing the processes of storing obtained digital evidence; forming algorithms for conducting inspection investigative actions through software; introducing new types of inspection; and developing new theoretical concepts to determine the prospects of inspection. Today, studying the theoretical-legal and practical problems of the inspection institute, introducing important innovations defining the prospects of the inspection institute, modern technologies, expanding inspection opportunities with the help of artificial intelligence, forming inspection algorithms, and improving methods for finding and storing evidence are among the priority tasks.

In our republic, during 12 months of 2024, 689 out of 5357 particularly serious crimes, 55514 out of 71670 serious crimes, and 2238 out of 18176 less serious crimes remained unsolved³. In addition, as of September 1, 2025, 170 intentional homicides from previous years remained unsolved⁴. Analysis of these criminal cases shows that almost all of them remained unsolved due to the failure to promptly inspect the crime scene using modern forensic technical means for "hot pursuit" detection, errors in selecting effective tactical methods for inspection, incomplete compliance with procedural requirements in conducting inspection investigative actions and finding and collecting evidence, untimely conduct of other urgent investigative and operational search measures, non-adherence to the inspection algorithm, non-use of artificial intelligence capabilities, drones, 3D photography

¹ 2022 INTERPOL Global Crime Trend Summary Report. <https://www.interpol.int/en/content/download/18350/file/Global%20Crime%20Trend%20Summary%20Report%20EN.pdf>

² <https://www.kt-team.ru/blog/cybercrime-2025-cybersecurity-trends-risks>

³ Ички ишлар вазирлигининг “Электрон жиноят ҳуқуқий статистика” ахборот маркази маълумотлари.

⁴ ИИБ “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими маълумотномаси.

tools, 3D scanners, absence of concepts and strategies defining the prospects of inspection investigative actions, and the failure of normative legal documents regulating the implementation of inspection processes to meet modern requirements. According to reports from the General Prosecutor's Office, supervisory prosecutors canceled a total of 50,900 illegal and unfounded procedural decisions on initiating criminal cases, refusing to initiate criminal cases, suspending investigations, and terminating criminal cases by authorized agencies in 2024 and the first 8 months of 2025¹. When analyzing these procedural decisions, it can be seen that in many cases, gross procedural and tactical shortcomings, as well as errors in the application of technical means during the inspection process, and non-compliance with existing rules in this regard, served as grounds for canceling the decisions. This indicates the necessity of conducting in-depth scientific research on inspection investigative actions.

This dissertation research serves to a certain extent in fulfilling the tasks envisaged in the Constitution of the Republic of Uzbekistan (2023), the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan (1994), the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026" (2022), Decree No. PF-6041 "On Measures to Further Strengthen Guarantees for the Protection of Human Rights and Freedoms in Judicial-Investigative Activities" (2020), Resolution No. PQ-3723 "On Measures to Radically Improve the System of Criminal and Criminal Procedure Legislation" (2018), and other legislative documents in this field.

Compliance of the research with the main priority directions of republic science and technology development. The research work was carried out in accordance with the priority direction titled "Formation of a System of Innovative Ideas and Ways of Their Implementation in the Social, Legal, Economic, Cultural, Spiritual-Educational Development of an Information Society and Democratic State" in the development of science and technologies in the republic.

Review of foreign scientific research on the dissertation topic. Scientific research on the theoretical-legal and practical problems of the inspection institute in criminal proceedings is being conducted by leading foreign research centers and international organizations, including the University of Pennsylvania Carey Law School, Indiana University, University of California, University of San Francisco, New York University, Harvard Law School, East Tennessee State University (USA), University of Exeter (United Kingdom), Stockholms universitet (Sweden), Glasgow Caledonian University (Scotland), Kazan Law Institute, Samara State University, Saratov State Law Academy (Russian Federation).

In particular, the use of modern technologies in the inspection process (University of Pennsylvania Carey Law School), inspection of digital data and recognition as evidence (Indiana University, University of California), conducting inspection in complex conditions (University of San Francisco), optimizing investigation periods for criminal cases and ensuring fair trial by further increasing inspection efficiency (New York University), crime scene inspection (East

¹ Бош прокуратуранинг 2025 йил 8 ойлик "П шакл" ҳисоботи маълумотномаси.

Tennessee State University),[6] use of technical means in crime scene inspection and sampling for expert examination (University of Exeter),[7] procedure for collecting and examining footprints in the crime scene inspection process (Glasgow Caledonian University),[8] crime scene inspection procedure (Stockholms universitet),[9] improving tactical methods of inspection (Kazan Law Institute), improving theoretical and practical aspects of crime scene inspection (Samara State University), criminal procedural and forensic aspects of crime scene inspection in modern conditions (Saratov State Law Academy) are the main topics of these studies.

Degree of study of the problem.

The general theoretical foundations of inspection investigative actions have been studied by our legal scholars such as G. Abdumajidov, Z.F. Inogomjonova, D.M. Mirazov, F.M. Muhitdinov, B.B. Hidayatov, U.A. Tuhtasheva, D.B. Bazarova, A.Sh. Baratov, S.M. Rahmonova, N.M. Koshaev, Sh.F. Fayziev, B.B. Murodov, F.Z. Mirzaev, I.R. Astanov, B.Kh. Rajabov.

Inspection as a monographic study has only been examined in one type by R.K. Abdullaev on the topic "Forensic Support for Crime Scene Inspection."

In addition, from CIS countries, it has been studied by K.A. Altukhov, N.F. Areshina, E.U. Babaeva, A.V. Bachieva, K.A. Begaliev, N.S. Bokarius, M.V. Bondareva, R.A. Vagapov, A.N. Vasilyeva, A.S. Volkov, V.A. Volynsky, E.V. Vorotnikova, R.B. Gandaloiev, M.V. Golovin, A.G. Gulyants, A.V. Dalinin, Z.B. Dachaeve, A.I. Dvorkin, S.D. Dolginov, N.A. Dukhno, E.V. Egorova, M.I. Enikeev, A.G. Zhdanov, M.V. Zhizhina, A.N. Ivanov, K.P. Indyk, E.P. Kadatenko, Yu.A. Kovtun, M.M. Kolesnikova, V.P. Kolmakov, D.V. Koroleva, K.A. Kostenko, L.B. Krasnova, S.K. Krepyshcheva, V.V. Kuznetsov, S.M. Kurbatova, V.S. Mamonov, K.A. Mureev, A.V. Nikitin, V.N. Ostapenko, I.F. Patrash, E.V. Prokofieva, and others.

